

Ш А Р Т Н О М А № 2

Қўшқўпир тумани

«08» Январь 2022 й.

«Динора Собиржон» Оилавий Корхонаси бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан Р.Тоғонова фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Қўшқўпир тумани Мактабгача таълим бўлими бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан Қўшқўпир тумани Мактабгача таълим бўлими мудир Сабирава Холида Нурмамедовна асосан фаолият кўрсатувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1. 2.

№	Маҳсулот тури	Ўлчов. бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	Биржа эълони тикети	Биржа ЛОТ № тикет №
1	печенье	кг	266	13000	3458000		
	Жами:				3458000		

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати Уч миллион тўрт юз эллик саккиз минг сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 10 банк иш кунда ўтказишни ўз зиммасига олади. 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури тўлов топшириқномасига асосан амалга оширилади

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «08» Январдан 2022 йил «31» Декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тулашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Харидор»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни манзилига етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу қакда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини оғохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вақтида шартномага тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни манзилига тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,5 фоиз пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф берилмаган микдор учун 20 фоиз микдорида жарима тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, жарима белгиланган тартибда ундириб олинади.

7.5. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган тақдирда хар бир кун учун 0,4 фоиз пеня тўлайди, лекин пеня суммаси кечиккан тўлов суммасининг 50 фоиз микдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» оморидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га оморда сақланганлигидан келиб чиққан зарарни ва 5-10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

7.7. Неустойка (жарима) тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс – мажор ҳолати

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан қал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хоразм вилояти хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____


11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Динора Собиржон» Оилавий Корхонаси	Қўшқўпир туман МТБ
Манзил: Қўшқўпир туман Янгилик қишлоғи	Манзили Қўшқўпир Аз Замахшарий куча №1 уй
х/р:20208000200807929001	ш\хр: 10002286033 212 7031100251020
	ИНН 305153620
Банк номи:Хамкор Банк Урганч филиали	ОКОНХ: 92400
МФО:01020	Ғазна х/р 23402000300100001010
СТИР:305101130	Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳри ХККМ
ИФУТ:	МФО: 00014
Тел:91-917-84-44	Ғазначилик бўлими ИИН 201122919



М.П. _____ Р.Тоғонова

(Имзо, Ф.И.О.)



М.П. _____ Х_Сабилова

(Имзо, Ф.И.О.)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNI QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY HULOSA

1.Loyiha turi:Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Oziq – ovqat mahsulotlari sotib olish uchun №2 sonli shartnoma to'g'risida

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Qo'shko'pir tumani maktabgacha ta'lim bo'limi 2022 yil 8 yanvar

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Yurudik hizmat ko'rsatish
markaz boshyuristkonsulti



R.T.Bahrambaevich

"10" yanvar 2022 yil

«ТАКШИЛДИЙМАН»
 Қўшқўпир тумани МТБ бўлими
 мудир Х.Собирова
 « 06 » Январь 2022 йил



Қўшқўпир тумани МТМларга озиқ-овқат махсулотлари сотиб олиш учун товарлар етказиб берувчи ташкилотни танлаш бўйича

№ 6 - сонли БАЁННОМА

« 06 » Январь 2022 йил

Қўшқўпир туман

КАТНАШДИЛАР:

Қўшқўпир тумани МТБ мудирининг 2022 йил «05» январь №_1_ -сонли буйруғи билан тасдиқланган харид комиссия аъзолари:

Комиссия раиси: Х.Собирова Қўшқўпир туман МТБ мудир
 Комиссия аъзолари: А.Абдушарипов бош хисобчи
 Д.Ходжамуратова Озиқ овқат махсулотлари буйича гуруҳ рахбари
 Н.Хужабоева озиқ овқат махсулотлари буйича хисобчи
 М.Ражабова давлат харидлари ва шартномалар буйича хисобчи

КУН ТАРТИБИ :

Қўшқўпир тумани мактабгача таълим муассасаларига озиқ-овқат махсулотларини сотиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 3953-сонли қарори 27-бандига мувофиқ етказиб берувчи ташкилотлар томонидан таклиф қилинган нархлар ва тавсифномаларни таккослаш йўли билан энг яхши таклифларни танлаб олиш мақсадида «Динора Собиржон» оилавий корхонаси, «Якка Тадбиркор Қўчимов Қувондиқ Қурбонназарович» ва «Якка Тадбиркор Яхшимуротова Мухаббат Дурдибоевна» оферта(таклиф)лари кўриб чиқиш ва танлов ғолибини аниқлаш

Ракобат Вараги






	Махсулот номи	Улчов бирлиги	сони	«Динора Собиржон» оилавий корхонаси	«Якка Тадбиркор Қўчимов Қувондиқ Қурбонназарович»	«Якка Тадбиркор Яхшимуротова Мухаббат Дурдибоевна»
1	печенье	кг	1	13000	13400	13500

ҚАРОР КИЛАДИ:

«Динора Собиржон» оилавий корхонаси таклифини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб топилсин ва танлов савдоси ғолиби деб тан олинсин.

Баённома тузилиши ва танлов натижаларини тўғрилигига имзо қилувчилар:

Комиссия аъзолари: -

- 
_____ Х.Сабилова
- 
_____ А.Абдушарипов
- 
_____ Д.Ходжамуратова
- 
_____ Н.Хужабоева
- 
_____ М.Ражабова

№	Исми	Ҳисса	Сана	Ҳисса	Сана
1	Х.Сабилова	1	13.03.2018	1	13.03.2018
2	А.Абдушарипов	1	13.03.2018	1	13.03.2018
3	Д.Ходжамуратова	1	13.03.2018	1	13.03.2018
4	Н.Хужабоева	1	13.03.2018	1	13.03.2018
5	М.Ражабова	1	13.03.2018	1	13.03.2018

